

Тўрт нарсани айтган тўрт нарсадан омонда бўлади



11:24 / 13 март 1464

1. Кимки: «Машааллоҳу лаа қуввата илла биллаҳ», деса, кўз тегишидан омондан бўлади. Зеро, Аллоҳ таоло: «**...ажаб эмаски, Роббим менга сенинг боғингдан яхшироғини берса**», (Каҳф сураси, 40-оят) деган.
2. Кимки: «Ҳасбуналлоҳу ва ниъмал вакийл», деса, шайтоннинг макридан омонда бўлади. Зеро, Аллоҳ таоло: «**Аллоҳнинг неъматини ва фазлини ила ўзларига ёмонлик етмасдан қайтдилар ва Аллоҳнинг розилигини изладилар**», (Оли Имрон сураси, 147-оят) дейди.
3. Кимки: «Уфаввизу амрий илаллоҳ», деса, инсонларнинг макридан омонда бўлади. Зеро, Аллоҳ таоло: «**Аллоҳ уни макрларининг ёмонликларидан сақлади**», (Ғофир сураси, 45-оят) деган..
4. Кимки: «Лаа илаҳа илла анта субҳанака, инний кунту миназ золимийн», деса, ғам-қайғудан омонда бўлади. Зеро, Аллоҳ таоло: «**Унга ижобат қилдик. Унга ғамдан нажот бердик. Мўминларга шундай нажот берурмиз**», (Анбиё сураси, 48-оят) деди.